



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 12 апрель, чоршанба

№28

(11.213) • Эркин нархда сотилади

ОКСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 апрель кuni Оқсарой қароргоҳида Россия Федерацияси Президентининг махсус вакили Сергей Ястрембскийни қабул қилди. Учрашувда меҳмон Ўзбекистон Президентига Россия Президентининг вазифасини бажарувчи В. Путиннинг шахсий мактубини топширди. Мулоқот чоғида минтақавий хавфсизлик ва Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги икки томонлама муносабатларга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. (ЎзА).

"Тошкентдонмаҳсулотлари" ишлаб чиқариш акциядорлик уюшмаси тизимидаги қорхоналар жорий йилда ҳўжалиқлардан 263,8 минг тонна галла қабул қилиб олишни режалаштирган. Шу мақсадда галлақорхоналарга экин парвариши учун икки миллиард сўмдан зиёд аванс тарқатилди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, уюшма тизимидаги қорхоналар нафақат вилоят аҳолисининг, балки пойтахтликларнинг ҳам нон ва нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш вазифасини ўз зиммасига олган. Уюшма бир қатор галлақорхоналарда қўшимча дон қабул қилиш пунктларини ҳам ишга туширди. Тошкент дон маҳсулотлари бoш қорхонасининг 52 минг тонналик сизимдаги шoли элеватори қайта жиҳозланиб, бугдой оқлашга ихтисослаштирилди. Оқсагарон дон маҳсулотлари қорхонасида 30 минг тонналик

ДОН МЎЛ БЎЛАДИ

сизимдаги қўшимча элеватор ишга туширилди. Янгийўл туманида ҳам худди шундай ошборхона қуриб фойдаланишга топширилди. Натижада вилоятда давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган донни қабул қилиш ва тўла қайта ишлаш имконияти яратилди. Эътиборли томони шундаки, кейинги йилларда уюшмада ишловчилар вилоятда дон етиштиришни кўпайтириш учун уруғлик галла тайёрлашга ҳам жиҳод қилишга қаратилган. Хусусан, ўтган йили маҳаллий шароитга мос навлардан тўрт ярим минг тонна уруғлик дон қайта ишланиб, ҳўжалиқларга етказиб берилди. Жорий йилда бу рақамни икки бараварга ошириш

мўлжалланган. Шу мақсадда Куйичирчиқ туманидаги дон қабул қилиш пунктининг уруғ сараловчи махсус цехи қурилиши ниҳоясига етмоқда. У Германияда ишлаб чиқарилган "Пектус" ускунаси билан жиҳозланади. Бош қорхонада ҳам худди ана шундай цех барпо этилади. Уюшма бошқаруви раиси Тожибой Шодимовнинг айтишича, яқин йиллар ичида вилоят учун зарур уруғлик ҳам шу ернинг ўзида тайёрланар экан. Айни пайтда вилоятдаги донни қайта ишлаш қорхоналарида янги хосилни қабул қилишга тайёргарлик бошлаб юборилган. Уруғлик тайёрлаш учун дорилаш воситалари, махсус қоплар

ҳам хозирданок мавсумга тахт қилиб қўйилган. Жорий йилда давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган янги хосилни уюшма тизимидаги мавжуд тўққизта қорхона қабул қилиб олади. Хозирга қадар дон қабул қилиш қорхоналари уч юзга яқин ҳўжалиқ ҳамда мингдан ортиқ фермер билан шартнома тузган. Маълумки, ҳўжалиқлар томонидан етказиб бериладиган дон маҳсулотларининг 50 фоизига давлат харид нархларида, қолган 50 фоизига эса қелишилган нархда ҳисоб-китоб қилинади. Аҳамиятли томони шундаки, бу нархлар ўтган йиллардагидан фарқи ўларок хозирнинг ўзидаёқ каттиқ белгилаб олинди. Бу эса галлақорхоналари янада рағбатлантириш, даромадга қараб ҳаражат қилишга ундаши турган гап. **Н. ДУШАЕВ, ЎзА муҳбири.**

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

МАГНИТЛИ ХАРИТА
ВИЛОЯТ ўқитувчилар малакасини ошириш институтига магнитли харита йозага келди. У ўқувчилар билимини мустаҳкамлашда курғазмали ўқув қуроли бўлиб хизмат қилмоқда. **Ақбар АЛИЕВ.**

ТЎЙТЕПАДАГИ УЧРАШУВЛАР
ЎРТАЧИРЧИҚ туманида "Миллий гоё ва миллий мафкура — келажак йўли" мавзусида маърифат кечаси бўлиб ўтди. Унда маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, мактаб директорларининг маънавият ва маърифат бўйича ўринбосарлари, масжидларнинг имомлари, ўқувчилар иштирок этдилар. Вилоят "Маънавият ва маърифат" марказининг раҳбари Раҳматилла Шералев, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг маъсул ходими Бахтиёр Ризаевлар ўз сўзларида маънавиятнинг долзарб масалаларига атрафлича тўхталиб ўтдилар. Кеча сўнггида Зуффия номили Давлат мукофоти сов-

ҒОЛИБЛАР ТОЛИБ БЎЛДИ
раларга эришмоқдалар. Буни кўни кеңа ўтказилган умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаси янада яққол кўрсатди. Мазкур танловда Оққўрғон туманидаги лицейнинг битирувчи синф талабаси Дилафруз Ражабова биология, Чиноз туманидаги 2-мактаб ўқувчиси Шароф Эргашев физика фани бўйича республика олимпиадасида ғолиб чиқиб, ўзлари истаган олий ўқув юртига тест синовларисиз кириш ҳуқуқларига эга бўлдилар. **Али АКБАРЖОНОВ.**

ҚУРУВЧИЛАР САҲОВАТИ
АНГРЕНДАГИ 34-мехрибонлик уйига қатор меҳнат жамоалари оталик ёрдами кўрсатмоқдалар. Улар орасида "Махсусавтотўйлашмир" трести ҳам бор. Бу қурилиш ташиқоти бинокорлари Камич доводондан шoх йўл ўтказиш ишларига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Қурувчилар жамоаси Наврўз байрами муносабати билан болалар уйи тарбияланувчиларга бағоят ёшига етгунча бир-неча баробар кўпайди. **Собир ҲАМИДОВ.**

МЕЪЁРИЙ БАҲОЛАРИ АНИҚЛАНДИ
ҳўжалигига айлантириш учун ҳўжатларни ҳозирлаб бердилар. Бунда, айниса, Оқсагарон туманидаги "Дустлик", "Шодмалик", Чиноз туманидаги Оқунбобоев, Турсуной Оқунова номли, Қибрай туманидаги "Турон", Мусамуҳамедов номли ҳўжалиқларда фаол иш юритган ер тузиш хизмати бош мутахассислари — Умида Каримова, Илҳом Маҳаматқулов, Умар Йўлдошевларнинг меҳнатлари самарали бўлди. Айни пайтда бошқарманин тўғридан тўғри ҳўжатларни қўйиб олишни бошлаб юбордилар. Бу иш Янгийўл, Паркент, Покент, Куйичирчиқ, Бўка туманларида анча жадал бoрмоқда. **Сайдвали ҲАСАНОВ.**

ЎТМИШ ХОТИРАЛАРИСМIZ ТАРИХ ЙЎҚ

ОҲАНГАРОН туманидаги 14-сонли мусика мактабидан туман маданият ходимларининг "Ватанпарварлик тўйгуллари, миллий қадриятлар ва аждодларимиз тарихини ўрганайлик" мавзусида анъанавий семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда маданият ва маърифат тизимлари ходимлари, маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, уй бекалари, "Озодлик" ва "Ойбулок" қишлоқлари мактабларининг юқори синф ўқувчилари иштирок эттишти. Тадбирда Муқимий номли 8-ўрта мактаб ўқувчилари томонидан Абдулла Қодирий асарлари асосида тайёрланган "Мозийга қайтиб" адабий-бадрий сахна кўрсатишлари, "Замон" фольклор-этнографик гуруҳи ижро этган қўшиқлар ва рақслар ҳам йиғилганларга завқ бағишлади. **Шавкат ҚУЛИБОЕВ.**

Муносабат

Инсоннинг етмиш-саксон, боринги, юз йиллик умри ҳаёт абадияти олдига киприк қoққанчалик муҳаддир. Шу умрни мангуликка қандай қилиб мевгзай оламиз? Қай йўсинда киприк қoққанчалик муҳаддир бoрҳаётлик довоғинга олиб чиқамиз? Албатта, буюк маънавий қудрат билан, ўз миллий мафкурамиз билан шундай қўққини забт эта оламиз. Бизнинг қалбимизда улкан бир даракт ўсади. Бу дарактнинг ёндoш илдизлари йўқ. Унинг ўқ илдизи бор. Бу ўқ илдиз бизнинг жон томиримизга улганган. Жон томиримиз эса, тафаккур бўлоғидан сув инади. Тафаккур бўлоғига эса, китоб деб аталмиш ирмоқдан мусоффо оби-ҳаёт келади. Китоб эса, яна ўша қалбимиздаги улкан бир дарактдан баҳраманд бўлади. Бу мангу ям-ашил дарактнинг номи маънавият, маърифат, тарихий қадриятларимиздир. Кўчада кетаётганимизда рўпарағидан беш-олти нафар йигит-қизлар бепарво, хатто салом ҳам бермай ўтиб кетди. Дилингиз сал оғрийди. Нега? Шунинг учунки, қалбингиздаги дарактнинг илдизи шу оддий одoбга туташ. Ёлғиз ўзингиз чўл-биёбонда яшай оласизми? Дилингиздаги озуларингизни, хасратларингизни ўртoқлашадиган, дардлашадиган кишингиз бўлмаса, дунё кўзингизга қоронғу кўриниб кетади-ку?! Шунинг учун ҳам одам ёлғиз ўзи туғилади, лекин ёлғиз яшoлмайди. У кўпчилик билан бирга бўлса, илҳом чашмаси қай-наб туради. Қалбимиздаги дарактнинг томири ҳам шу чашмага туташ... Мана шундай ховуч-ховуч дурлар, эзгу фазилатлар, ҳислатлар, удулмар йиғилиб, маънавият уммони ҳосил бўлади. Бу уммон эса ўз навбатида халқнинг, миллатнинг мафкурасига пойдевор бўлади, десак тўғри бўлади.

Тарихимизнинг қайси бир даврига назар солсанг, ўша даврнинг даҳолари маданият, маънавият, маърифат хусусида жон чеки қайғурганининг гувоҳи бўламиз. Мана шу қайғуришининг меваси ўларок ажайиб асарлар дунёга кел-

удуми ила тўла бўлган навқирон авлодини йўлдан оғдириб бўладими? Уни ўзи танлаган йўлдан қайтариш мумкинми? Муस्ताқиллигимизнинг тўққизинчи йилда яшавимиз. Айтиш мумкин, бу йиллар нафақат сиёсий барқарорлик, иқтисодий юксалиш, балки, маънавият, маърифатни тиклаш, миллий мафкураани яратиб олиш ҳам бўлди. Янги қарши гоё, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат ила курашмоқ учун кўнгилларимизни маърифат

аввало кутубхонасига ташриф буюрган, барча кўлэмаларни синчиқлаб кўздан кечирган. Янши китоблар бўлса, сақлангани хуш келса, у ердаги одамларга рағбатлар кўрсатган. Бу Мирзо Бобурнинг қанчалар маърифатли, меросга муҳаббатли бўлганлигини тасдиқлаб, иккинчидан, янши китоб ҳамшиша инсонга йўлдош эканлигини ҳам кўрсатади. Қадимдан Туронзаминни илму фаннинг, маърифатнинг маскани деб атаб келамиз. Бири бирига устоз бўлгудек олиму фузалолар, шоир мутафаккирларнинг ижодларини ўқиб, олам-олам завқ оламиз. Мирзо Улугбекнинг ўз даврида расадхона қуриб, юлдузлар билан тиллашганини; Аҳмад ал-Фарғоний тузган харита билан Колумб Америкага етиб бoрганни, Ибн Синонинг хозир ҳақимлигини, ал Берунийнинг фанда ўрганган соҳаларини кўра ўрганган соҳаларини санаб осонлигидан фахрланамиз. Лекин, ўзимиз замонамизнинг Берунийси, Ибн Синоси, Фарғонийси, Навойиси бўлишимиз кераклигини ўйлашимиз ҳам. Зеро, Ўртбoшимиз таъхидилганларидек: "Халқимизнинг келажги энг аввало унинг ўзига, маънавиятга, маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий қучига боғлиқдир". Ўша халқ, ўша миллат ўзимиз-ку!

Президентимизнинг Оқсаройда бўлиб ўтган миллий мафкура масалаларига бағишланган йиғилишда айтган сўзларини тинглаб, юрагимдан мана шундай ўйлар кечди. Уйлайманки, бу ўй ўзлгини билган ҳар бир ватандoшимизни ҳамшиша безовта қилса, ижодий юмушларга сафарбар этади. **Темур УБАЙДУЛЛО.**

МУҚАДДАС ТҲИҒУ

Мафкурамизни "Зафарнома", "Саҳих Бухорий", "Темур тузуқлари", "Ҳамса", "Бобурнома", "Абдуллонома", "Шайбонийнома", "Тарихи Рашидий", "Тарихи Абулхайрихоний", "Тарихи Муҳаммадий" сингари чўққиларини бир лаҳза хотирдан фаромуш қилиб бўладими? Инсон бу дунёга нафақат ейиш-ичиш, корин тўйғазиш, атласу адрас кийиш учун келади, балки, ўзидан яхшилик нуруни таратиш, эзгуликка чoрлаш, юртини севиб, оташин бир муҳаббат билан ўзидан эс қолдириш ва ниҳоят, ўзининг фазу-барокатга йўрғилган умрини авлодларга дарс, сабоққа айлантириш муҳаддoси билан ҳам яшайди. Мана шу муҳаддo бизнинг кўнглимиз истаган,

саҳифадан ярк этаётгандек бўлади. Бу нурунинг ҳар ярк этишида ўқийсиз: "Ватанин севиюк йимондандир". "Миллатнинг дардига дармон бўлингиз", "Авесто", "Девону улғатит турк", "Кутадгу билик", "Ҳиббатул ҳақойиқ", "Бедил", "Шайх Саъдий", "Ҳикмат Ясавий", "Ибрати Кубро"... Қани айтинг-чи, шу табаррук атамаларнинг қайси бирини энг юксак инсоний фазилат ёритилмаган? Энг муқаррам хислатлар қайди этилмаган? Ахир етти пуштими шу битиклардан ўқиб-ўрганиб, улардаги ҳикматларга амал қилмаган? Шу китобларни синчиқлаб ўқиган киши қўлига ханжар оладими? Онги, шуури ота-боболарнинг

ПУДРАТЧИЛАР

ВУ ЙИЛ бекободлик пахтакорлар чигит экиш мавсумига ҳар галгидан эртaroқ ва пухта тайёргарлик кўрдилар, экишни ҳам барвақт бошлаб юбордилар. Шу боим улар чигитни тез ва соз экишдан вилоятда пешкадamlар қилмоқдалар. "ДЕҲҚОНБОД" жамоа ҳўжалиги пахтакорлари "АН-Боёвут-2" навини парваришларнинг ҳадини олишган. Қарийб ўн йилдан бери ҳўжалик сурункасига шу навни экиб, ёмон бўлмади. Айрим йиллар, хатто 35 центнерга етказиб ҳосил олинди. Жумладан, ўтган йили 1250 гектар майдонда ўртача 28 центнердан ҳосил кўтарилиб, давлатга 3500 тоннадан зиёд сифатли хом ашё сотилди ва шартнома режаси анча ортиғи билан бажарилди. Аноржон Умбатова, Шухрат Аҳмедов, Парда Ражабов сингари пудратчилар эса 30 центнердан ошириб ҳосил олдилар. Ҳар йили 40 гектар ерда деҳқончилик қилиб келаётган пудратчи Аноржон Умбатованинг тажрибаси хусусида алоҳида тўхталса арзийди. У бошлқ пудратчилар ўтган мавсумда гекта-



КУЗДА уйлашак улкан хирмонга айни кунларда тамағи тоши қўйлади. Бекобод туманидаги "Деҳқонбод" ҳўжалиги пахтакорлари бу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда сифатли тайёрланган майдонларга ўз вақтида сара уруғни экиб олишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Ҳўжалик бош ҳосилоти У. Ҳамроев ва пудратчи А. Умбатова шунинг бoриши, экишининг сифатини доимий равишда кузатиб турибдилар. **Даврон АҲМАД олган сурат.**

Экиш кундалиғи

сеялка юксак унум билан ишлатилиб, кунига 100 гектардан зиёд майдонга учинчи репродукцияли биринчи синф чигит экилаяпти. Ҳамзаали Эрматов, Абдуназар Усмонов, Файбулла Сайдуллоев сингари тажрибали механизаторлар бир кунда 12-15 гектарга етказиб чигит қадашга улгурмоқдалар. — Экишни синов тарикасида 28 мартдаёқ бошлагандик, — дейди бош ҳосилот ўроз Ҳамроев. — Афсуски, ўртада бўлиб ўтган ёгингарчиликлар ишни бироз орқага сурди. Бироқ шунга қарамай, чигитни кечи билан 15 апрелгача экиб олиш учун ҳамма имкониятларга эгамиз. Бу ҳам энг мақбул муддат ҳисобланади. Ҳўжаликда галла майдонлари йилдан-йилга кенгайтириб бoрилмоқда. Масалан, бу йил 850 гектарга етказилиб, 153 оилавий пудратчига бўлиб берилди. Шундан 600 гектарига Улугбек нав, қолганига Димитров нав, "Крошка" нав бугдой экилди. Хозиргача икки марта ўғит берилиб, икки бор сугорилган бугдой серхосил бўлиб ривожланмоқда. Камида 42 центнердан ҳосил олиб, давлатга 3570 тонна дон сотиш режалашти-

рилган. — Пахтачилик ва галлачиликдан келаятган даромадининг бир қисмини ҳўжалигимиз аъзоларининг турмуш шароитларини яхшилашга, қишлоқларимизни ободонлаштиришга сарфлаймиз, — дейди ҳўжалик бошқаруви раиси Саидабос Саиджололов. — Жумладан, бугунги кунгача аҳолини тоза ичимлик сув билан юз фоиз таъминлашга эришдик. 80 фоиз хонадонларимизга эса табиий газ етиб борди. Бундан ташқари худудимиздаги болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари ва тиббиёт мусассаларини ҳам имконият даражасида иқтисодий қўллаб-қувватлаб турибмиз. Дарҳақиқат ҳўжалик 26-мактабни ўз оталигига олган. Бу йил ушбу мактабга бир гектар экин майдони ажратиб берилиб, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришда ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Шунингдек, 2та қишлоқ шифокорлик пунктларига 120 минг сўмлик тиббий анжомлар олиб берилди. **Самад Йўлдош.**

ТАШАББУСКОРИ "ЭКОСАН"

Вилоятимизда "Соғлом муҳит - соғлом авлод гарови" шиори остида ташкил этилган шанбалик юсак уюшқоқлик билан ўтди

ларининг ўзaro дўстлиги, иноқлиги, бир-бирлари билан тотувлигининг намойишига ҳам айланмоқда.

Шу йил 8 апрель куни республика халқаро "Экосан" жамғармаси ташаббуси билан "Соғлом муҳит - соғлом авлод гарови" шиори остида ўтган экология шанбалиги ҳам мазмун моҳиятига кўра аҳолининг барча қатламини агроф-мураббийлик, муҳофаза қилиш, шаҳарлар, туманлар, ҳар бир маҳалланинг санитария ҳолатини яхшилаш, ишлаб чиқариш корхоналарида табиати зарари чикндилардан саклашдаги фаолиятни кучайтиришга қаратилган ишлар алоҳида диққатга сазовор. Қўлдан келгандек, умумхалқ ҳашарида ҳужалиқлар, идора ва корхоналарнинг жамоалари, олий, ўрта махсус ўқув юрталари талабалари, мактаблар ўқувчилари иштирок этиб, маҳаллалар иштирок боплари, худудларни, иш жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан шуғулланилди.

— Катнашчиларнинг бутун саъй-ҳаракати табиати асраш, озодликни таъминлаш, қўлай меҳнат шартларини яратишга йўналтирилди. — дейди халқаро "Экосан" республика жамғармаси вилоят бўлимининг директори Гани-

жон Очилов, — белгилаб олинган режа бўйича барча тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, вилоятдаги 6102та корхона, ташкилот, муассаса ва маҳаллалардан 561835 нафар киши ҳашарда қатнашди. Улардан 230 мингдан кўпроги ўз иш жойларида меҳнат қилдилар. Ҳайрли тадбирда 29 миллион 650 минг сўмлик шу жумладан, ишлаб чиқариш корхоналарида 22 миллион 760 минг сўмлик иш бажарилди.

Шанбалик иштирокчиларининг асарияти бевосита далаларда, корхоналар, ташкилотлар худудларида меҳнат қилдилар. Улар кучи билан 395 километрдан зиёд ариқ-зоғурлар тозаланди, 88 минг туپга яқин мевали, манзарали дарахтлар ўтказилди, 364та болалар майдончаси тартибга келтирилди.

Биз шу кунни шанбаликда алоҳида намуна курсатиб ишлаган Қибрай туманида ҳам бўлди. Биргина шу худуднинг ўзида 13,3 миллион сўмлик иш бажарилди. Ишлаб чиқаришда бу курсаткичи 7,6 миллион сўмини ташкил этди. 7 минг туздан кўпроқ мевали, манзарали дарахтлар ўтказилди. Буш ётган майдончаларда гулзорлар барпо этилди. Корхоналарда эса, 14 мингдан зиёд киши меҳнат қилди. Туман бўйича "Экосан" жамғармасига 330 минг сўм маблағ ўтказиш режалаштирилди.

Ҳайрли тадбирда "Маданият" "Байтўрғон", "Турон" ширкат ҳужалиқлари, Шароф Рашидов номи хиссалдорлик жамияти, марказий шифхона, марказий поликлиника, телеграф тармоғи, почта бўлими жамоалари бошқаларга ибрат бўлдилар.

Хар қачонгидек бу ҳашарда вилоятимизнинг Оққўрғон тумани аҳолиси ҳам кўтаринки руҳда чиқди. 81та маҳал-

ларнинг ҳаммасида ободонлаштириш ишлари уюшқоқлик билан ташкил этилди. Гузарлар, хиёбонлар тартибга келтирилди. 13та ҳужалиқда 17 минг туп мевали, манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Шанбаликда қатнашган 45та ташкилотнинг ҳар бири сиқидилдан ишлади.

Кунни кеча ҳашар якунларан экан, бу ҳаракатда Ангрэн, Чирчик, Янгийўл шаҳарлари Заңгиота, Янгийўл, Паркент, Тошкент туманлари меҳнат-қашларни, айниқса, ёшлар фаолилик курсатганликлари таъкидлаб ўтилди.

— Мен Янгийўл шаҳридаги "Биокиме" хиссалдорлик жамиятида ишлаётганимга кўп бўлгани йўқ, — дейди шу корхона ходими Лола Ҳожибоева, — лекин яхши жамоада ўз ўрнини тезда топиб олдим, зеро Шавкат Бобоев, Вера Самиева, Оксана Жабко каби ҳамкасб мураббийлар ердамини ҳар соат, ҳар он хис этиб тураман. Улар билан шанбаликларда иштирок қилиш менга ўзгача завқ бағишлайди. Бу сафарги ҳашарда корхонамиз худудини ободонлаштирдик. Қатор тенг-

дошларим дастгоҳлар ёнида бўлишди. Бир кунлик иш ҳақимизни "Экосан" жамғармаси ҳисобига ўтказдик, бу маблағ экология аҳоли но-чорлашган жойдаги кишиларга ёрдам қўратишга сарфла-нишини биламиз. Шундай пайтларда инсон инсонни кўллаши эса, айни одамий-ликдир.

Бундай меҳрли сўзларни биз Заңгиота туманидаги мар-казий боғни ободонлашти-раётган спорт мактаби, Ян-гийўл шаҳридаги технология коллежи ҳовлисини кўкалам-зорлаштираётган ўқувчилар даврасида бўлганимизда ҳам эшитдик.

Бу чиндан ҳам мароқли эди. Ҳа, шундай халқаро "Эко-сан" Республика жамғармаси ташаббуси билан бўлиб ўтган шанбалик мамлакатимиз ҳаётида ўзига хос салмоқли из ва бой таассурот қолдир-ди.

Саидвали ҲАСАНОВ,
СУРАТЛАРДА: шанбалик-дан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



ХАЛҚИМИЗНИНГ бошқаларга ибрат қилиб кўрсатса арзийдиган, бундан анча йиллар аввал шаклланган урф-одатлари, шарқона аъённаларни кўп. Булар орасида "ҳашар" алоҳида ўрин тутайди. Меҳор-муровват, яратувчилик, юсак инсоний оқибат ва беғараз ёрдам туйғуларини ўзида мужассам этган ана шу жамоавий ишлаш фазилати истиқлол йиллари ичида таъминла янги маъзун касб этди. Бутун мамлакатимизда, хусусан, вилоятимизда ҳашар йўли билан қанчадан-қанча боғлар, истироҳат маканлари, хиёбонлар, гулзорлар барпо қилинди. Мактабларга кўшимча синф хоналари қурилди, йўллар таъмирланди, кишлоқлар, шаҳарларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, маҳаллаларни орасталяш ишлари амалга оширилди.



Айни пайтда бундай тадбирлар турли миллат вакил-

"МАГНУМ"ГА ТИРКАЛАДИ

ЧИРЧИКДАГИ "Чирчиқкиш-маш" очик турдаги хиссалдорлик жамиятида кишлоқ ҳужалиғи корхоналари учун етказиб берилмаган маҳсулот тури яна биттага кўпайди. Бу ерда замонавий "Магнум" тракторига тиркаб ишлатиладиган икки ярусли плуг ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ерни 20 сантиметргача чуқурликда шудорлаш имконини берадиган мазкур мослама учун ҳозирданок дастлабки буортма-лар кела бошлади.

УЗА. ТЕСТ СИНОВИ — АДОАТ МЕЗОНИ

Республика таълим марказида Вазиравал Маҳкамаси ҳузур-ида давлат тест маркази томонидан ташкил этилган Ўзбекистон Республикасида тест синовларини ўтказишнинг бугунги аҳоли ва ривожлантириш муам-молари мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда таълим муассасалари раҳбарла-ри, мураббийлар ҳамда АҚШ, Англия, Козогистон ва Қирғизис-тон давлатларидан келган етак-чи мутахассислар қатнашди.

Анжуманда таъкидлангандек, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин таълим тизими-ни такомиллаштириш, уни жаҳон андозалари даражасига етказишга катта эътибор берил-моқда. Айниқса, тест синовлари-нинг жорий этилиши олий ва ўрта махсус ўқув юрталарига ўқини-га қабул қилишда ижтимоий адолат-ни қарор топтиришга имкон ярат-ди. Олий ва ўрта махсус ўқув юрталарига қобилиятли ёшларни танабл олиш, малакали кадрлар тайёрлаш мамлакатимиз иқтисоди-диёти, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳанинг барча тармақла-ридаги ислохотлар муваффақия-тини таъминловчи интеллектуал салоҳиятини бунёд қилиш йўли-даги муҳим вазифадир. Конфе-ренция иштирокчилари тест ти-зимини такомиллаштириш омил-лари, умумий ўрта таълим мак-табларида тест синовларини жорий қилиш истиқболлари ҳу-сусида ўзаро фикр алмашди.

О. НОРБЕКОВ,
УЗА мухбири

ИШБИЛАРМОНЛИКДА ГАП КЎП

ТОШКЕНТ вилоятининг Оҳангарон туманидаги йирик корхоналардан бири "Эйвалекмаҳсултемирбетон"нинг мулкчилик шакли ўзгартирилгани, очик турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилгани яхши самара берди. Жорий йилнинг дастлабки ойларидаёқ корхона жамоаси асосий маҳсулот — "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси буортмасига кўра темир-бетон шпал ва қувурлар ишлаб чиқариш суръатини сезиларли равишда оширишга эришди.

Корхона ихтисоси бўйича Ўрта Осиёда ягона бўлгани учун унинг маҳсулоти ниҳоятда харидориги. Зеро, кейинги пайтда республикамизда ва қўшни давлатларда темир йўл қурилишига, Буюк ипак йўлини техник жиҳатдан замонавий даражада тиклашга катта эътибор берилмоқда.

— Биз маҳсулотимиз сифатига қаноли бўла оламиз, бундай маҳсулот оморларда қолиб кетмайди, — дейди корхона раҳбари Б. Ким. — Бир йил аввал, биринчи чорак мобайнида хомашё етишмаслиги туфайли қувур ва шпал ишлаб чиқарадиган цехлар деярли тўхтаган, натижада ҳатто қарздор бўлиб қолган эдик. Бу оғир кунлар ўтиб кетди, юзага келган муаммолар аста-секинлик билан ҳал қилинмоқда.

— Биз жуда бойимиз, — дея жилмайганча гапида давом этади Борис Григорьевич, — олий малакали ходимларимиз, бозор иқтисодиёти шартини мос тарзда фикрловчи одамларимиз бор. Улар ишлаб чиқаришнинг яхшилашга қодир. Аввало, мулкчилик шаклини ўзгартиришга, ҳар бир ишчини ўз

хона ходимлари акцияларнинг бор-йўғи 3,9 фоизини харид қилган. Бунинг сабаби ишончсизликда бўлса керак. Эгасининг номи ёзилган акциялар ҳам ўз вақтида сотилмади. Уларнинг муддати ўтиб кетди. Эндиликда ушбу қимматли қоғозлар биржа орқали сотилади. Шунга қарамадан, қайта ташкил этишнинг дастлабки ижобий натижалари ҳам бор. Ўтган йил 2,4 миллион сўм фойда билан якунланди. Акциядорлар ўзларига тегишли дивидендларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун йўналтиришга аҳд қилишди.

Хозир оморларда хомашё ва эҳтиёт қисмлар ҳам бор, маҳсулотнинг асосий турларини ишлаб чиқариш хажми ҳам ортмоқда. Хар кун "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси эҳтиёжи учун темир-бетон шпал ишлаб чиқарилмоқда. Малака-ли кадрлари мавжуд бўлган бу жамоа корхона истиқболига ишонч билан қарамқоқда. Ишчиларнинг меҳнат ва дам олиш шартини яхшилашмоқда, уларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Иш ҳақи миқдори ошди. Натижада корхонада ишлашни хоҳловчилар сони тобора ортиб бормоқда.

Қаловини топсанг, кор ёнида, деб бежиз айтишмаган. Яқинда корхона Осиё Тикланиш ва Тараққиёт банки томонидан

Буюк ипак йўлини тиклаш юзасидан уюштирилган халқаро тендер қолиби бўлди. Танловда Хитойнинг учта фирмаси ва Туркиянинг битта фирмаси иштирок этди. Оҳангаронликлар бу галаба туфайли 1,35 миллион АҚШ доллари миқдор-ида инвестицияга эга бўлди. Икки ярим йил давомида 690 минг донна темир-бетон шпал ишлаб чиқарилиши лозим. Шунингдек, корхона техник жиҳатдан қайта жиҳозланди, юқори технологиялар жорий этилди. Бу борада шартнома тайёрла-ниб, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига рўйхатга олиш учун топширилган.

Асосий маҳсулот турларидан ташқари, акциядорлик жамия-тида республика қурилиш таш-килотлари фаолияти учун зарур бўлган шағал, қум тайёрлашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Чикндисиз технологиялар то-бора кўпроқ қўлланилмоқда. Шунинг хисобидан шалақоблок ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жанубий Корея фирмалари билан ҳамкорликда тиббий пахта ишлаб чиқарувчи қўшма кор-хона ташкил этиш режалашти-рилган. Бу эса янги иш ўрин-лари вужудга келишини англа-тади. Корхонада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар тала-луғига бўлса-да, ҳўжалик юри-тишининг самарали шаклла-ри уларни бартараф этишга ёрдам беради, деган умидда-миз.

Н. ДУШАЕВ,
УЗА мухбири

ГАЗЕТХОН ЖАМОА

20-КАСБ-ХУНАР мактаби жамоасини газет-хонлар жамоаси, деб бежиз айтишмайди. Гул қишлоғидаги бу билим юртида обуна тadbир-кутубхонаси мудири Муқаддас Мирзақуллова кўйиб-пишиб хизмат қилади.

Асат АБДУСАТТОВ,
Ўқитувчи.

ҲАР ҚАРИЧ ЕР ҲИСОБДА

БОҒДОРЧИЛИККА ихтисослашган "Қибрай" ширкат ҳўжалигида ҳар қарич ер ҳисобда. Боғбонлар қатор ораларидаги ерларда сазавот етиштиришга кириш-дилар. Хусусан, 1-, 2-, 4-бўлимларда помидор, маккажў-хори ва бошқа хил экинларни экиш жадал давом этмоқ-да. Шу кунга қадар 10 гектарга яқин майдонга эртаки сазавот кўчатлари ўтказилди, уруғи қадалди.

Н. ИСАЕВ.

Ёнғиндан эҳтиёт бўлинг

ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

КЕЙИНГИ вақтларда ёнғинлар сонининг кескин ортиб бораётгани кишини уйга толдиради. Бир-гина вилоятимиз худудида жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида 545та ёнғин содир бўлди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19,8 фоиз кўп. Шундан 359таси фуқаролар хонадонларида рўй берди ва аввалги йилга нисбатан 15,1 фоизга кўпайди. Халқ ҳўжалиғи корхоналарида эса, ёнғин-лар сони 6,1 фоизга камайди.

Вилоят ёнғиндан сақлаш бошқармаси улардан фойдаланиш ҳодимлари олиб бораёт-ган таригбот-ташвиқот ишлари, амалга ошири-лаётган қатор сай-ҳаракатларга қарамай, жойларда ҳамон ёнғинлар содир бўлиб турибди. Энг аянчлиси неча йиллар пешона тери билан йиғилган мол-мулклар бир неча дақиқалардаёқ кулга айланиши билан бирга одамларнинг ҳам қурбон бўлаётганидир. Вилоят худудидаги ёнғин-лар оқибатида жорий йилнинг уч ойи мобайни-да 7 нафар фуқаро ҳалок бўлди. 36 фуқаро эса тан жароҳати олди. Бунга фуқароларимизнинг оддий ёнғин хавфсизлиги қоида-ларига риоя қилмасликла-ри сабаб бўлмоқда. Масалан, Бекобод туманида-ги "Галаба" жамоа ҳўжали-гининг 2-бўлимида исти-комат қилувчи фуқаро О. Бўриевага қарашли уйда электр ускуналарининг нотўғри ўрнатилиши натижасида ёнғин чиққан.

Хонадон эгалари катта миқдорда зарар қўришди. Хонадонимизни, иш жойимизни бошқа офатлар қатори ёнғин балосидан ҳам асраш кўпроқ ўзимиз-га боғлиқ. Бунинг учун оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсак бас! Буни асло унутмаслик лозим.

Мақсуда СУЛТОНОВА,
Вилоят ЁСБ муҳандиси.

ҚОМУСИЙ АЛЛОМА

ХАЛКИМИЗНИНГ ўтмиш аждодлари орасидан кўплаб буюқ алломалар етишиб чиққани, уларнинг номларини яқингача билмасдан келдик. Шу сиймолардан бири буюқ қомусий аллома Абду Аббос Аҳмад Ибн Муҳаммад Ибн Касир Ал-Фарғонийдир.

Бу аллома фаннинг кўплаб соҳаларида қалам тебратки, астрономия, математика, жўрғофия фанларига оид асарлар ёзган ҳамда муҳандис-кашфиётчилик маҳоратини кўрсатган. Гарчи бизлар буюқ ватандошимиз ҳақида эндигина маълумотга эга бўлсак ҳам, жаҳон илмий жамоаси, айниқса, ўрта асрлар Европаси олимнинг даҳосига тан берганлар. Фирқимизнинг далили сифатида шуни айтишимиз мумкинки, европалик олимлар ўз даврида буюқ ҳурмат ва эътироф билан ойдаги 20 километрик йирик кратердан

бирига Ал-Фарғонийнинг номи берганлар. XII асрда севиллялик Иоанн ва кремонлик Герхардлар томонидан лотин тилига Ал-Фарғонийнинг астрономияга оид бир асари таржима қилинган. 1669 йилда эса Ал-Фарғонийнинг мазкур "Китоб ал-ҳаракат ас-самовийа жавами илм ан-нуҷум" ("Осмоний жисмлар ҳаракати ва юндларнинг илмига оид билимлар тўплами") асарини Якоб Гомус Амстердамда арабча тексти билан бирга лотинча таржимасини чоп эттирган. Ал-Фарғоний исми, унинг "Астрономия негизлари китоби"нинг лотинча таржимаси

туфайли, Европада ўрта асрларда ва ундан анча кейин ҳам, Алфарганус номи билан машҳур бўлган. Алломанинг бу асари Европа университетларида астрономиядан асосий қўлланма бўлиб хизмат қилган ва XVI-XVII асрларда бир неча марта нашр этилган. Уйғониш даврининг энг йирик намояндаларидан бири сифатида машҳур бўлган Решмонан XV асрда Италия ва Австрия университетларида Ал-Фарғоний китоби асосида астрономиядан лекциялар ўқиган эди. Унинг номи Данти (XV аср) ва Шиллер (XVIII аср) каби Европа адиблари ҳам ўз асарларида эс-

латиб ўтадилар. Шарқ мамлакатларида Ал-Фарғонийга "Раис ул-мунажжимийн", яъни "Мунажжимлар раиси" унвони берилган. Хозир фанга Аҳмад Фарғонийнинг қаламига мансуб саккизта асар маълумдир. Улар

ҳад шаҳарлари фондларида, "Устурлоб билан амал қилиш ҳақида китоб" асари Хиндистоннинг Патна шаҳрида, "Ойнинг ер усти ва орқасида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола" ва "Етти иқлимни ҳисоблаш" асарлари

қаламига мансуб "Ал-Хоразмий Зиждаги назарий мулоҳазаларни асослаш ҳақида" номли асарини буюқ олим Абу Райхон Беруний ўз асарларида эслаб ўтган. Аммо, минг афсуски, хозирги кунгача қўлёзмаси топилмаган. Аҳмад Фарғоний асарлари қўлёзмаларини жаҳоннинг йирик илм марказлари жумладан Оксфордда, Парижда, Қоҳирада, АКШнинг Принстон университетида, Амстердамда, Бағдодда, Дублинда, Лейденда, Санкт-Петербургда, Москвада ва бошқа йирик илм марказларида учратиш мумкин. Собик мустабид тузум даврида ўзбек олимлари ўз аж-

додлари меросини ёритишга интиланликлар учун таътиқларга учрагани сабабли Аҳмад Фарғонийдек алломаларнинг асарлари нашр қилинмай қолган эди. Мамлакатимиз ўз миллий истиқлолини қўлга киритган ўзбек халқининг Аҳмад Фарғонийдек буюқ қомусий билимнинг соҳибини ижодини ўрганиши барча илм аҳли, энг аввало ёш олимларнинг муҳим вазифаларидан биридир. 1998 йилда ўтказилган алломанинг 1200 йиллик юбилейида қўйилган биринчи қадам — хозирги кунда иқтидорли ёшларимизга жуда кенг имкониятлар яратилгандир. Кўплаб ёшлар хозирги кунда "Умид", "Қамолот" жағмармалари орқали дунёнинг энг машҳур илм марказларида таълим олмақдалар. Агар бу иқтидорли ёшлар ўзлари ўқиётган йирик хорижий ша-

ҳарлар фондларида сақланган ва буюқ ватандошларимиз қаламига мансуб асарлар ҳақида маълумот тўпласалар, гоёт савобли ишга қўл урган бўлар эдилар. Хозирги кунда, энг аввало, Аҳмад Фарғоний асарлари қўлёзмаларини қисқача каталогини тузиш жуда долзарб вазифадир. Уйлаймики, қўпгина хорижий тилларни эгаллаган ёшларимиз орасидан ушбу вазифаларни адо этадиганлар кўплаб топилар.

Асадали ҲАКИМЖОНОВ, тарих фанлари номзоди, доцент, Зоҳиддин БОЗОРОВ, ГДУИ катта ўқитувчиси, Исмоил ШОДМОНҚУЛОВ, доцент.

БЕДАВО ДАРДА AIDS

ДУНЁ бўйича СПИД (ОИТС) ортирилган иммунитет танқислиги синдроми ҳақида гап борганда бунинг нималигини озгина бўлса-да идрок этувчилар кўз олдига дарҳол иложсизликдан, минг афсус наводлар гирдобидида ҳаётдан кўз юмаётганларнинг аянчли қиёфаси келмоқда. Ҳа, СПИД XXI аср бўсағасида минг-минглаб кишиларнинг ёстигини қуритмоқда. Айниқса, унинг ёшлар жонига қуржиги кучайди. Буни қарангки, ҳар йили бу дардининг хавф-хатари ҳақида шифокорлар оммавий ахборот воситаларида "бонг" уришларига қарамай, республикамизда 8 киши шу касалликдан кўз юмди. Виллоятда бу балони юқтирганлар сони ҳам саккизга етди. Хорижий мамлакатлардаги бу манзара ўта хунук, ўта ноҳус ҳолатда. Агар бугун кўзимизни очмасак, эртанги пушаймоннинг фойдаси йўқ. Шу бисм, махсус муҳбиримиз виллоят СПИД маркази шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Б. Расулов билан мулоқотда бўлиб қайтди.

— Бахтиёр Расулович, халқимизда касални яширсанг иситмаси ошқора қилади, деган гап бор. Бир вақтлари СПИД ҳақида сўз борса, "хай-хай" дамингни чиқарма, бунақаси бизда бўлмаган, бўлмайди ҳам каби оғизга уришлар билан ахвол хас-пўшлаб келинарди. Хозир манзара бир оз бўлса-да ўзгарди. Бир неча йилдирки, республикамиздагина эмас, виллоятда ҳам СПИД маркази фаолият кўрсатмоқда. Албатта, бу беҳуда ташкил этилмаганлигини вақт яна бир бора исботлади. Чунки, бу мудҳиш касалликдан одамлар оғох этилмас, чет элда, кўшни давлатлардаги фожеали ҳоллар бизда содир бўлмаганини ҳеч ким қафолатлай олмади. Шунинг учун бу "ажал уруғи"нинг умумий ҳолати, хасталикни даволаш борасида олимлар олиб бораётган сый-ҳаракат-

лар тўғрисида батафсилроқ гапириб берсангиз. — Аввало, шуни айтиш кераки, СПИД кўплаб мамлакатларда кенг тарқалиб аҳолига катта хавф тугдираётгани учун ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус ЮНЕЙДС ташкилоти унга қарши кураш бўйича ахвол хас-пўшлаб келинарди. Хозир манзара бир оз бўлса-да ўзгарди. Бир неча йилдирки, республикамиздагина эмас, виллоятда ҳам СПИД маркази фаолият кўрсатмоқда. Албатта, бу беҳуда ташкил этилмаганлигини вақт яна бир бора исботлади. Чунки, бу мудҳиш касалликдан одамлар оғох этилмас, чет элда, кўшни давлатлардаги фожеали ҳоллар бизда содир бўлмаганини ҳеч ким қафолатлай олмади. Шунинг учун бу "ажал уруғи"нинг умумий ҳолати, хасталикни даволаш борасида олимлар олиб бораётган сый-ҳаракат-

лар тўғрисида батафсилроқ гапириб берсангиз. — Аввало, шуни айтиш кераки, СПИД кўплаб мамлакатларда кенг тарқалиб аҳолига катта хавф тугдираётгани учун ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус ЮНЕЙДС ташкилоти унга қарши кураш бўйича ахвол хас-пўшлаб келинарди. Хозир манзара бир оз бўлса-да ўзгарди. Бир неча йилдирки, республикамиздагина эмас, виллоятда ҳам СПИД маркази фаолият кўрсатмоқда. Албатта, бу беҳуда ташкил этилмаганлигини вақт яна бир бора исботлади. Чунки, бу мудҳиш касалликдан одамлар оғох этилмас, чет элда, кўшни давлатлардаги фожеали ҳоллар бизда содир бўлмаганини ҳеч ким қафолатлай олмади. Шунинг учун бу "ажал уруғи"нинг умумий ҳолати, хасталикни даволаш борасида олимлар олиб бораётган сый-ҳаракат-

Шифокор оғохлантиради

ларда олиб борилган тадқиқотларга кўра, СПИД шу дард билан оғриган шахс қонини бошқа беморга куйиш, касалликка чалинган онадан ҳомиллага ўтиши, бу балога дучор бўлган инсон билан жинсий алоқада бўлишлик орқали бошқаларга қўйиши аниқланган. Шундан энг кўп учрайдиган ҳолат учинчиси бўлиб, бесоқолбозлар, фохиша аёллар, тасодифий ва бертартиб жинсий алоқага мойил одамлар, ўз жазманларини тез-тез алмаштириб турадиган кимсалар, зарарлиқланган дорилар орқали гиёҳханд моддаларни танасига юбораётган нашоавандлар — касаллик манба бўлиб қолмоқдалар. Очигини айтиш керак. Бизда ҳам хотиржамликка асло ўрин йўқ. Аввалги йилларда дағига солиштирилганда СПИД вирусини юқтирганлар сони ошган. Хозирча ҳеч қаерда бу хасталикка даво топилганича йўқ. Олимлар қанчалик шуғулланмасин, самара бўлмаяпти.

— Дардининг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида яна бир бор тўхталсангиз. — Юқоридида қайд қилинган хавфли кишилар гуруҳи ички ишлар бўлимлари, тери таносил касалликлари диспансерлари ва СПИД маркази томонидан доим назорат қилинади. Уни юқтирмай олишнинг ўзи-га боғлиқ, Доринилардан фойдаланишда эҳтиётлик керак. Ахлоқий покликка риоя қилган инсон бу дарддан ҳоли бўлади. Айни пайтда аҳоли орасида СПИДнинг аянчли оқибатлари ҳақида кенг қўлама тушунириш ишларини йўлга қўйиш лозим.

— Бу борада Республикадаги ахвол, умуман касалликнинг пайдо бўлиши, уни даволаш ҳақида нималар дея оласиз? — Ҳозиргача тиббий соҳа-

ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШДА ҚОИДАЛАРГА РИОЯ ҚИЛИШ ХАВФСИЗЛИГИНИЗ ГАРОВИДИР

Рўзгорда газ асбоб-ускуналаридан фойдаланишдан бахтсиз ҳолисаларнинг олдини олиш учун, уларни ишлатиш хавфсизлигини таъминлашнинг асосий талабларини эслатиб ўтаемиз.

Ўқитилмаган кишилар ва болаларни газ асбоб-ускуналаридан фойдаланишига йўл қўйманг.

Ишлаб турган газ асбоб-ускуналарини назоратсиз қолирманг. Авариялар бўлиши мумкинлиги муносабати билан газ етказиб бериш тўхтатилганда, хоналар газга тўлиб қолиши мумкин.

Сиз иситадиган ва иситиш қўзонларидаги хавфсизлик автоматикасининг созугини доим кузатиб туринг.

Газ плитасида фойдаланганда:

- конфоркага кенг тағли илмини қўйманг,
- духовкадан фойдаланишдан олдин уни шамоллатинг, аввал ўтёнгичга ёндашилган гугуртини келтиринг, сўнгра тегшили жўмракни очинг. Ўтёнгич ўчиб қолса, уни қайта ёқиш олдиан духовкани обдон шамоллатинг.

Шуни эсла тутигингиз, газ плитасидан хоналарни иситишда фойдаланишга йўл қўйсангиз, ўз соғлигингизга путур етказган бўласиз, зеро, хонада газнинг ёниши натижасида ҳосил бўлган зарарли моддалар тўпланиб қолади.

Сув оқиб ўтадиган ва ҳажмли сув иситкичларни ишга тушириш олдиан ва тўхтатилганидан кейин мўрида ҳаво тортиш кучи бор-йўқлигини текширишни эслаш қиқарманг. Мўриларда ҳаво тортиш бўлмаса ёки ёмон бўлса, газнинг ёниши натижасида ҳосил бўлган зарарли моддалар хоналарга кириши мумкин, бу заҳарланишга олиб келиши ҳамда бахтсиз ҳолисалар сабабисини бўлиши мумкин. Мўриларда ҳаво тортилиши кучини ёндашилган гугуртини газ колонкаси ёки ҳажмли сувиситкичнинг ҳаво тортигичи остига яқинлаштириш йўли билан текшириб қўрилади.

Газбаллонни қурилмадан фойдаланганда, босимни тартибга солгич ва тушатирувчи шлангларнинг тузуқлигини кузатиб туринг. Газ баллонларнинг иссиқлик ва олов манбалари яқинида сақланишига йўл қўйманг.

Газ баллонларни ноқонуний йўл билан асло сотиб олманг, чунки уларнинг фойдаланиш учун тузуқлиги ҳақида қафолатлари бўлмайди.

Баллонларни беғиаламанган жойларда сақламанг. Газ баллонларини кўп қаватли уйларда сақлаш ва улардан фойдаланиш қатъиян ман этилади. Бир хонадаги хавфсизлик қоғдаларининг бузилиши бутун уйда фожеага олиб келиши мумкин.

Шаҳар (туман) газ идораларининг руҳсатисиз газ анжомларини ўзбошимчалик билан ўрнатиш ва қайта ўрнатиш маън қилинади. Уларни ўрнатиш бўйича зарур талабларни бажармаслик ёнгин, портлаш, заҳарланиш сабабисини бўлиши мумкин.

Газ ҳидини сезишингиз билан дарҳол газ анжомлари олдидидаги жумракни ёпиш лозим, сонани шамоллатинг, электрулагичлардан, очик оловдан фойдаланманг, зулик билан шаҳар (туман) газ идораларининг авария-диспетчерлик хизматига хабар беринг.

Сиз рўзгорда газдан хавфсиз фойдаланиш қоғдаларига қатъий амал қиласиз деб ишонамиз ва бу сизга ўз саломатлигингиз ва фаровонлигингизни сақлашга ёрдам беради.

"Тошвилоятгаз" виллоят бошқармаси.

ДУНЁ ЯНГИ АСР БУСАҒАСИДА ВОҚЕАЛАР МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР

УЛЬТИМАТУМ ТИЛИ — ҚАЛТИС ТИЛ

ОВРУПО Кенгаши Парламентлар Ассамблеясининг Страсбургда яқинда бўлиб ўтган йилги йилгида иштирокчиларнинг учдан икки қисми Россияни ушбу тузилма сафидан чиқариш жараёнини бошлашга овоз берди. Бу воқеа деярли барча давлатларда, шунингдек, Россияда катта шов-шув уйғотди. Оммавий ахборот воситалари шарҳчилари айти кўнларда ушбу муаммага дахлдор масалаларни тули насларда, телекўрсатув лавҳаларида, радио эшиттиришларида ҳар ил мақомада шарҳламоқдалар.

Хозир вазият қандай? Май ойи охиригача Чеченистонда инсон ҳуқуқлари борасида қўйилган шартлар яқинлашса, ушбу жараён тўхтатилиши мумкин. Акс ҳолда Россиянинг Оврупо парламентини тарқ этишга тўғри келади. Ассамблея ушбу давлатни ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиб, музокаралар бошлашга даъват этди.

ЭНГ КАТТА КОН

ХИТЎЙ Халқ Республикаси фойдали қазилмалар заҳирасини баҳолаш бўйича давлат қўмитаси мутахассисларининг маълумотига кўра, Хитой шимоли-ғарбидида "Кэла-2" қонида 250,6 миллиард куб метр газ бор. Унинг 95 фоизини метан ташкил қилади. Шуниси эътиборга олиниқ, бу қондаги газ таркибидида сува ва олтингурут йўқ. Шунингдек, мутахассислар ушбу қони Хитой ҳудудига топилган энг катта қон деб таъкидламоқдалар. Айни пайтда бу жойдан Шанхайга газ узатиш режалаштирилмоқда. Экспертларнинг фикрича, "Кэла-2" дан йилга 10 миллиард куб метр газ олиш мумкин.

САЙЁХЛИК ХАЗИНАНИ БОЙИТМОҚДА

САУДИЯ Арабистонидида сайёҳлик яқин йиллар ичидида давлат хазинасига энг кўп фойда келтирувчи тармоқ бўлиб қолади. Мамлакат ҳукумати чет эл фуқаролари учун сайёҳлик визаси жорий қилиш тўғрисида махсус қарор чиқарди. Маҳаллий ишбилармон Абдул Муҳсин ал Ҳўкейрини фикрича, Саудия Арабистонидида сайёҳлик тўлиқ изга тулиши учун яна беш йилча вақт керак. Шунда ҳар йили мамлакатга 1-1,5 миллион сайёҳнинг ташириқ буюриши тахмин қилинади.

1995 йилда подшоҳлик томонидан сайёҳликни ривожлантириш учун 6,6 миллиард АКШ доллари ажратилган эди. Бу орада Қизил денгиз бўйида 330 та меҳмонхона қурилди.

ҚИМИРЛАМА, ОНА ЕР!

Ер қимирлаши, яъни зилзила инсоният бошига талай қулфатлар солган табиий офатлардан бири ҳисобланади. 1920 йил Гансу (Хитой)да бўлган зилзила натижасида дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 40 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлди.

XX асрда бундай зилзилалар кўп марта содир бўлган. 1906 йилда Вала-раисо (Чили)да — 20 минг; 1920 йил Гансу (Хитой)да 100 минг; 1923 йилда Иокагама (Япония)да — 150 минг; 1939 йил январидида яна Чили 28 минг; шу йилнинг декабрида Туркияда — 40 минг; 1960 йил яна Чилида — 10 минг; 1976 йилнинг февралидида Гватемалада — 22 минг; шу йилнинг июнида Таншан (Хитой)да — 240 минг; 1978 йил сентябрда Эронда — 25 минг; 1985 йил Марказий Мексикада —

атини аниқ айтиб беради. Хиндистонда тўйларни ўтказиш учун қўлай пайт асосан баҳор ва куз ойлари саналади. У ерда баҳор сал вақтларида бошланади, март ва апрель ойларига тўғри келади. Хозирги кунда Хиндистонда ниҳоникнинг водик тури кенг тарқалган бўлиб, у икки босқичдан иборат: биринчиси тўй олди тарвадуди, иккинчиси тўй маросими. Очигини айтганда, Хиндистонда йиллар эрта уйланиш дегадди, 25 ёшларда хотинлик бўладилар. Уларнинг тўйларига жуда ҳам кўп маблағ сарф қилинади. Ма-салан, қизнинг келинлик либоси ва бутун тақинчоқлари тилладан бўлиши керак. Бунинг, албатта, қиз томон ўз бўйинга олади. Уларда тўйни билдирувчи ранг — қизил рангдир. Қизлар ҳам қизил рангли либосда бўладилар. Кўёв ниҳон ўқилишидан икки кун аввал келинлик олиб келиши қайноқасиникига келади. Кўёв бола сарполари кий-

ЯРИМ АСР ЕР ОСТИДА

ФРАНЦИЯНИНГ нормандия минтақасидидаги Сен-ло шаҳрида иккинчи жаҳон уруши давринида қолган самолёт бомбаси топилди. АКШда ишлаб чиқарилган бу бомбанинг оғирлиги 250 килограммга тенг экан.

Ярим асрдан буён ер остида қумулиб ётган "ажал девни" жағоваргани сизга сўйлаб қолган. Хавфсизлик чоралари сифатида атрофда яшовчи аҳоли вақтинчалик бошқа жойга қўчирилди. Сапёрлар гуруҳи эса хавфли тоғлиқни зарарсизлантириш ва шаҳар чеккасидаги чиқариб ташлади.

Хиндистондаги тўй маросимлари ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Чунки Хиндистонда турли халқлар, қабилалар ма-



ҚАЙНОТАСИ ҚУЁВГА ПУЛ БЕРАДИ

Хинд фильмларини севиб кўрмалар, кўшиқларини су-йиб ёд олманган инсон топил-маса керак. Ушбу кино-фильмларни кўраётиб, беих-тиёр хаёлимизга: "Хинд қиз-лари билан йигитлари қандай турмуш қуришар экан?" Улар севиб қолишса, қандай му-ҳаббат изхор этишар экан?," деган саволлар келади.

Хиндистондаги тўй маро-симлари ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб тура-ди. Чунки Хиндистонда тур-ли халқлар, қабилалар ма-

ҚИСҚА САТРАЛАДА

• УТГАН яқшанба куни Грузияда президент сайловы бўлиб ўтди. Тахминий натижа-ларга қараганда, амалда-ги президент Эдуард Шевар-днадзе сайловчиларнинг энг кўп овозини олишга муваф-фак бўлган.

• КУНИ КЕЧА Исроил Бош вазири Еҳуд Барак ўз мамла-кати билан Сурия ўртасидидаги музокараларни давом этти-риш учун Вашингтонга кел-ди. Мулоқотларда АКШ пре-зиденти Билл Клинтон ҳам-ий-лик қилди.

• ЯПОНИЯНИНГ янги бош вазири Исирои Мори Россия президенти Владимир Путин билан учрашиш истаги бор-лигини айтиб, шу мақсадда апрель ойида Москвага бо-ришини маълум қилди.

• ШИМОЛИЙ Корея ва Япония ўртасида дипломатия муносабатларини тиклаш бо-расида ўтказилган музокара-лар натижасиз тугади. Ун-га қўйилган учрашувларда бирор ижобий тўхтамга кел-инмади.

• АКШ ҲУКУМАТИ фазо-вий қурилмалар ишлаб чи-қаруви "Локхид" корпорацияси-ни Хитойга маҳдий маълумот-лар берганлигида айблади. Мазкур маълумотлар ракета-шуносликка дахлдор бўлган.

• ЮГОСЛАВИЯ шимоли-даги Зверянин шаҳрида пре-зидент Слободан Милошевич-га қарши бўлган муҳолиф кўч-ларнинг намойиши бўлиб ўтди.

Илоҳим, барчамизнинг уйимизда тўй бўлверсин!

Сирожаiddин НУРМАТОВ, хиндшунос.

(ҲАЖОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

НАВРЎЗ ГЎЗАЛ, ҚАЛБЛАР ШОД

ШИФОХОНАДАГИ БОЛАЛАР БИЛАН СУХБАТЛАШГАНИМИЗДА БИР ОЛАМ БАҲРА ОЛДИК. УЛАР ЎЗ ЎРТОҚЛАРИ, ОТА-ОНАЛАРИ, ЎҚИТУВЧИЛАРИ, МУРАББИЙЛАРИ ҲАҚИДА САМИМИЙ, МЕҲР БИЛАН СЎЗЛАШАДИ. "ОЙНАИХАЖОН"ДА КЎРГАН КИНОЛАРИ ХУСУСИДА БЕГАРАЗ БАХСЛАРДАН ТОЛИҚМАЙДИЛАР. ОДАМЛАРНИНГ БИР-БИРЛАРИГА ЯХШИЛИКЛАРИ, НОЧОРЛАР, ЗАИФЛАРГА ЁРДМ ТЎҒРИСИДАГИ ҲАЁТИЙ ХИҚОЯЛАРНИ, ЭРТАКЛАРНИ ТИНГЛАГАНЛАРИДА ҲАЖЖИ ҚАЛБЛАРИДА ЭЗГУЛИК ОРЗУЛАРИ КАНОТ ЁЗАДИ. КЎЗЛАРИДА УМИД УЧКУНЛАРИ ПОРЛАБ КЕТАДИ.

гани ҳақида эринмай ҳикоя қиладилар. Болаларни байрамларда ҳамиша қўллаб-қувватлаб келаётган "Меҳрлисавадо", "Бах-тназар" дўконлари ходимларининг муруватлари, саховатли инсон Шукр ака Абдуллаевнинг жисмоний тарбия хонаси-га 700 минг сўмлик давловчи ускуналар ҳада этгани, бош шифокор Шухрат Эргашевнинг самимиий суҳбатлари хусуси-да гапиришни ҳам унутмайдилар.

Бу сафарги Наврўзда ҳам шундай бўлди. Ҳомийлар болалар кўнглига шод-лик бағишлаш учун нимаки зарур бўлса, ёрдамларини аямаядилар. Шунинг учун ҳам Наврўзнинг ўзи каби гўзал бу қалб-лар меҳр ва қувончга тўла. Шунинг учун ҳам бу диллар келажақда яхшиликлар, эзгу ва улуг ишларга шай. Ана шу умид-лар уларни юксак парвозларга чорламоқ-да.

Саид ВАЛИЕВ.

СУРАТЛАРДА: шифохонадаги Наврўз айёмидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар



Тарихий лавҳалар

ЗАКОВАТ

БУДОБИДАН ТОМЧИЛАР

ОЧИК КОЛГАН КАБР

Махмуд Фазнавий бир кун Берунийни чақирди, сўради:
— Мен анча хайрли ишлар қилдим, халқ мени яхши қўради билан бўлди, ҳамма мендан рози, — деди у мамнуният билан жилмайиб ва олимга қўйидагича савол берди: — Қани айтчи, энди жаннатга тушурманми ёки йўқми?
Шунда Беруний ўйлиб қолди ва шундай жавоб берди:
— Ривоятларда айтувларким, Юсуф бул фаний дунёни тарк этатириб, ўз жасадини бобоси Иброҳимнинг қабри ёнига кўмилишини васият қилган. Вақти етиб, Юсуф бандалиқни бажо келтирганида, унинг гўрнин Иброҳимнинг қабри ёнидан қазидилар. Тобутни келтириб, жасадини шул гўрга қўйиш олдига Жаброил пайдо бўлиб, у: "Бул ер Юсуфнинг жойи эмас. Ул подшолик қилган пайтидаги гуноҳлари учун қиёмат куни, хали Оллоҳнинг олдига жавоб бериши керак!" дедан.
Берунийнинг бу ҳикоясидан султоннинг ранги ўчди.
— Юсуфдек бундай бегуноҳга муомала шул бўлса, бизларнинг ҳолимиз не бўлур?! — деди Махмуд Фазнавий ўйга толди.
— Айтувларким, — деди Беруний султондан кулгисини яшириб. — Қиёматда ҳукмдорларни қўли бўйнича боғлиқ холда сўроқ қилур эмишлар. Гар ҳукмдор одил эрса, унинг қўлини ечиб, жаннатга йўллашур. Гарчи зулмдор эрса, унинг қўли бўйнича боғлиқчи жажаннамга итқитилурлар.
— Е. Астафурулло! — деди султон ёқасини ушлаб.
Махмуд Фазнавий зиндондаги биндиларни озод қилиш ҳақида шу кунгича фармон берди.

СЎРОҚ
Олтмишдан ортиқ тил билган ва ниҳоятда ўқимиш-
(Давоми.
Боши 5 апрель сониде).

ли бўлган Берунийнинг суҳбатини Махмуд Фазнавий катта муштоқлик билан доим кутарди. Ҳарбий юришдаши, сарфардани ва ҳатто шикорда бўлганида ҳам, султон олимнинг таширфига ич-ичидан қувонар эди.
— Менга улуглар тарихидан ҳикоят қил, — деб бурюди султон галдаги суҳбатда улуг олимга.
Бундай суҳбатларда, уларнинг ўрталарида ўлтириб, гапга қўлоқ соладиган шахзода Маъсудга бир қараб олиб, Беруний нимани ҳикоя қилиб берсам экан, дея бироз ўйлиб қолди-да, кейин аста гапни бошлади:
— Бул дунёдан кўз юмаётган Ҳазрат Умардан — уни Оллоҳ ўз раҳматига олгай — унинг ўғли Абдуллоҳ, отасига илтижо қилиб: "Ота, сени энди қачон кўраман?" деб сўрабди, — деди олим ва ўйлиб қолди.
— Қани, отаси нима жавоб қилибди? — сўради султон ичи пишиб.
— "Ул дунёда", деб жавоб берган шунда Умар, — деди Беруний ва қўшиб қўйди. — "Биринчи, иккинчи ёхуд учинчи кеча тушинга кирурмен", дедан.
— Ҳўш, кейинчи? — сўради, шахзода ҳам қизиқиб.
— Кунлар, ойлари йиллар ўтсада Умар ўғли Абдуллоҳнинг тушига кирмаган. — Орандан ўн икки йил ўтгач, Умар ўғлининг тушига кирди. Шунда Абдуллоҳ: "Отанон, узои билан уч кун ўтгач, тушинга кирман деган эдингку?" дейди отасига гина қилиб. Шунда, Ҳазрати Умар ўғлига: "Юмушим қўлайиб кетган экан" деб жавоб қилди...
— У дунёда қандай юмуш бўлиши мумкин? — деди султон қилиб.
— Абдуллоҳ ҳам Умарга шул саволи берган, — деди Беруний ва гапиде давом этди.
— Умар дедимки: "Богдод атрофинда бир кўприк синган. Назоратчиларим бўлса, бунга эътибор бермаган. Бул кўприкдан пода ўтатириб, бир кўзичоқ шул тешиқдан йиқилиб, оёғи синган. Энди мен хозиргача, шунинг жавобини бериб келаётиман".

Орага узоқ жимлик чўқди.
— Тўғри, ҳукмдор ўз ҳукми остидеги барча жонсизу жондорнинг тақдирига жавоб бермоғи керак, — деди шоҳ пешонасидан терни артиб.

КАБУЛ СУФАСИ

Бир кун, Махмуд Фазнавий, суҳбат чоғида Берунийдан сўради:
— Менга шикоят билан келувчи жабрдийдаларни қайси ерда ва қандай қабул қилишим маъқулдир?
— Сароининг махсус хонасида, панжара ортида ўлтириб шикоятчиларни қабул қилиш ҳатодир — деди Беруний. — Чунки шикоят сабабчилари бўлган сенинг амалдорларинг, жабрдийдаларнинг ҳузурига киришларига тўсқинлик қилурлар, дийдоринг-ни кўришдан уларни маҳрум этурлар.
— Тўғри гапни айтдинг! — деди Махмуд кўзлари ёниб. — Аммо султоннинг ўзи жабрланувчиларни излаб юришини ҳам ақл бо-вар этмас?
— Бунинг учун сен кенг майдонга бир суфа тиклат, — маслаҳат берди Беруний.
— Жабрланувчилар шул майдонга тўллансинлар. Сен от миниб, шул суфа устига чиқасан. Шунда, сен жабрланувчиларнинг бетини, улар эса ўз султоннинг дийдорини кўраолурлар.
Махмуд Фазнавий шу маслаҳатга кириб, Фазна четидан бир майдон ажратиб, унинг қўқ ўртасига катта суфа қурдирди. Бу ишлар битгач, суфа устига от миниб чиққан султон Махмуд Фазнавий, майдонда тўлланган жабрдийдаларнинг қўлларини қуриб, каттиқ изтиробдан, отдан бехуш йиқилди. Чунки у, амалдорларининг гапига ишониб, мамлакатда одиллик ҳукм суриб турибди, шикоятчилар эллик-олтмишдан ошмас, деб ўйлаган экан.

Аъзамжон АЗИМОВ,
профессор, техника
фанлари номзоди.
(Давоми бор).



Яхшиларга замондош бўлганимдан хурсандман

ТЎРТЛИКЛАР

Ўқ теккан ул сарлочиннинг патидек тўзиб,
Кувончларим бўхтонлардан сочилиб кетди.
Қандай яхши — тушумасдан ёв санаб юрган,
Ёғийларнинг кайфияти очилиб кетди.

Шоирларни никоҳингга ўтказмоқ қийин,
Дилда бўлса, толе ёрдиру тушун, эй агёр.
Фарзанд кўрмай ўтмоқнинг-ку қадр бир тийин,
Аммо, ўлгач, фарзанд кўрган шоирлар ҳам бор.

Элиниг куйланмаган қўшиқлари кўп,
Шарқим санъатида топажак ривож.
Шундай қўшиқларки, гаваҳардир тўп-тўп,
Чархга саодатдан кийдиражак тож.

Имконларга сиғинмадим, борлигимга сиғиндим,
Шоир бўлиб эзгу ҳисга ёрлигимга сиғиндим.
Бош маногим ифтихорим икки жаҳон зулфини,
Бас-эй фикрат, оқибатким, соғлигимга сиғиндим.

Соғинчларга томчи ёш бўлганимдан хурсандман,
Яхшиларга замондош бўлганимдан хурсандман.
Нодони ҳам кўп нодон эмас ушбу Ватанинг,
Рақибларга хомталаш бўлганимдан хурсандман.
Турсун МУҲАММАД.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ТАДБИРКОРЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармаси бошқа бинога кўчиб ўтганлиги муносабати билан, бошқарманинг янги манзилгоҳини маълум қиламиз
700059, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 93-ўй.
Тел.: 53-82-61 (мўлжал "Ҳосилот" меҳмонхонаси).
Тошкент вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармасида "Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш" бўлими фаолият кўрсатмоқда.
Барча қизиқтирган масалаларга бўйича қўйидаги ишонч телефонларига қўнғироқ қилишингиз мумкин.
Тел.: 53-30-02, 53-82-61.

СПОРТ *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ*

ЎЗБЕКИСТОН ТЕННИСЧИЛАРИ НАВБАТДАГИ БОСҚИЧДА

Тошкентдаги "Юнусобод" спорт мажмуида Ўзбекистон ва Янги Зеландия теннисчилари ўртасида Девис кубоги учун Осиё ва Океани-янинг биринчилиги доира-сидаги саралаш мусобақаси ниҳоясига етди.
Уч кун мобайнида икки мамлакат жамоалари ўйин-чилари шу йилнинг июль ойида жаҳоннинг 16та энг зўр жамоаси аниқланадиган кейинги босқичга чиқиш учун ўзаро куч синашди.
Мусобақанинг биринчи кунда Янги Зеландия жа-моасининг энг кучли ўйин-чиси Марк Нельсен Ўзбеки-стонлик Вадим Куценко билан ўрашиб, уни 7/6, 6/3, 6/2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ҳамюртимиз Олег Огородовга эса омад қулиб боқди. У Алистар Хант усти-дан 7/6, 6/2, 6/7, 7/5 ҳисо-бида галаба қозонди.



Ўзбекистонлик Олег Ого-родов ва Дмитрий Томаше-вич янги зеландиялик Али-стар Хант ва Джеймс Грин-халг ўртасида бўлиб ўтган жуфтликлар беллашуви то-мошабинларда катта таассу-рот қолдирди. Бу ўрашуве-да спортчиларимиз 7/5, 7/6, 6/4 ҳисоби билан галаба қозонди.
Мусобақанинг охириги кун Марк Нельсен Олег Огородов билан бўлган ўйинда кичик фарқ — 5/6, 5/7 ҳисоби билан ютди. Ўзбекистонлик Олег Мазур эса Джеймс Гринхалг усти-дан 7/6, 6/4 ҳисоби билан катъий галаба қозонди.
Шундай қилиб, ўзбеки-стонликлар навбатдаги мала-ка доирасига чиқиб олиши-да жаҳон теннисининг энг катта соҳибони учун курашни давом эттирмақдалар.
Ў.А.

Биатлон

ЧИРЧИҚАЙКЛАР УСТУНЛИГИДА ЎТДИ

ЧИРЧИҚ шаҳридаги республика техник спорт мар-казининг спорт базасида ёзги биатлон бўйича Тош-кент вилояти чемпионатининг биринчи босқич мусо-бақалари бўлиб ўтди.
УШБУ босқич белла-шувларида вилоятнинг ўн битта жамоасидан жами 58 спортчи иштирок этди. Мусобақалар давомида, айниқса, Чирчиқ шаҳар автономтаби вакиллари биринчи босқичга жид-дий тайёргарлик кўрган-ликлари яққол сезилиб турди ва асосий соврин-ли ўринлар ҳам уларга на-сиб этди. Жумладан, шу мактаб вакиллари билан Оле-ся Булигина қизлар ўрта-сида, Ҳасан Эрматов ўғил болалар ўртасида, Вадим Бондарчук эса эркеклар ўртасида биринчи ўринлар-ни эгалладилар.
Вилоят туманлари ора-сида зангиоталик спортчи-

Футбол

"ДЎСТАЛИК"НИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

ФУТБОЛ бўйича мамлакатимизнинг тўққизинчи мишлий чемпионатида навбатдаги бешинчи тур ў-рашувлари ўтказилди.
Мамлакат чемпиони "Дўстлик" жамоаси ўз майдонида бу йилги чем-пионатда кетма-кет уч ғалабани қўлга киритган "Сурхон" футболчиларини қабул қилди. Олдинги икки турда майдон эгалари ўйинда ҳисобни очган бўлишларига қарамай, ғалабани сақлаб қололма-ган эдилар ва ҳар иккала ўрашув 1:1 ҳисобида жанговар дуран билан якунланган эди. Шунинг учун майдон эгалари ўйиннинг дастлабки дақи-қаларидан ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Кет-ма-кет уюштирилган ҳужумларнинг бирида Фарид Ҳабибуллин 15-да-қиқада меҳмонлар дарво-засини ишғол этди ва ҳисобни очишга муваф-фақ бўлди. Майдон эга-лар ҳужумни бўшаштир-май, рақиб дарвозасини "ўққа" тутдилар. Натижа-да Жаъфар Ирисметов рақиблар дарвозасига иккинчи тўпни киргизиб, ҳисобни 2:0га ўзгартир-ди. Иккинчи бўлимининг 11-дақиқасида Алишер Бозоров "Сурхон" дарво-засига учинчи тўпни кир-гизиб, ҳисобни 3:1га ет-казди. Ҳисобни 3:1га ет-казишдаги намуналар 70-дақиқасидаги меҳмон-лар битта жавоб тўпни киргизиб, ҳисобни 3:1га ўзгартирдилар. "Дўстлик" 5 ўрашувдан учтасида галаба қозониб, 11 очко тўплаган ҳолда, жадвалда 3-ўринга чиқиб олди.
Вилоятимизнинг икки вакили Ангренда куч си-нашдилар. "Семург" — Ме-таллург"ни қабул қилиб, чиройли ўйин кўрсатди. Ўйингоҳга йиғилган 16 мишг томошабин дарво-заламга қўлга киритилган 5 тўпнинг гувоҳи бўлди. Меҳмонлар 26-дақиқада ўз икки турда майдон эгалари қойдани бузган, майдон эгалари тўпга қўриқчи Элдор Қосимов рақиб дарвозаси томон берилганган 11 метр-лик жағима тўпини ра-қиб дарвозасига кирита олмади. Ўйинда тўлиқ ус-тунликка эга бўлган май-дон эгалари 28-дақиқада ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юбордилар. Шун-дан сўнг майдон эгалари янада ҳужумга зўр берди-лар ва 35-дақиқада ҳисоб-ни тенглаштирдилар. 64-дақиқада иккинчи тўп ки-ритилди. Ҳисобни 2:1га ет-казди. Фақат иккинчи бўлимдагина майдон эга-ларининг устунлиги сези-лди. Ўйиннинг 60-дақи-қасида Игорь Шквинин ҳисобни очди. Сўнгра Азамат Абдураимов ик-кинчи тўпни киритди. 80-дақиқада Игорнинг ўзи ҳисобни 3:0га етказди. Ўйин турашига 3 дақиқа қолганда, меҳмонлар яна жавоб тўпини киритиб, ҳисобни 3:1га ўзгартир-дилар. "Пахтакор" чемпи-онатдаги биринчи ғалаба-ни қўлга киритди. Меҳ-монлар эса, биринчи бор майдондан бош эгиб чи-қиб кетдилар.
"Гулистон" "Хоразм"ни қабул қилиб, 2:0 ҳисоби-да галаба қозонди. "Сўғдиёна" — "Турон" ў-рашувида 1:1 ҳисоби кайд этилди.
Жадвалда "Насаф" 13 очко билан қарвонбоши-лик қилмоқда. Навбатда-ги 6-тур ўрашувлари кеча бўлиб ўтди.

Талъат ЮСУПОВ.

Об-ҳаво

Об-ҳавони кузатиш бош бош-қармасидан хабар қилишларича, 12-16 апрель кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳавонинг ав-зойи ўзгариб туради. Шу давринг биринчи ярмида киска муддатли ёмғир ёғиб, момақал-дирок бўлиши эҳтимоли бор. Шамолнинг тезлиги ҳар сонинда 15-17 метрни ташкил этади. Қолган кунларда эса, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечалари 14-19 даража, кундуз кунлари эса 22-27 даража атрофида иссиқ бўлиши кутилади.

Тошкент вилояти ҳоким-лиги Меҳнат, иш билан таъ-минлаш ва аҳолини ижтимо-ий ҳимоялаш бошқармаси жамоаси Ангрен шаҳар меҳ-нат бўлими бош бухгалтери Азимжон Довбоёвга ўғли Анвар ДОВБОЁВНИНГ бевек вафот этганлиги муносабати билан чўкур таъ-зия изхор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • **ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилими:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48
Эълолар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда далил-ларнинг тўғрилиги учун ре-лама ва эълон берувчилар масъулдир.